



220200 Боғот шаҳарчаси Ўзбекистон кўчаси, 18 уй. Tel:31-51-807, faks:31-52-425

2020 йил «4» Март

№ 506и

Боғот шаҳарчаси

Нусха № 1

Боғот тумани ҳокимининг 2014 йил  
15 октябрдаги 1613к-сонли қарорига тегишли  
ўзгартириш киритиш тўғрисида

Боғот тумани “Гулзор” маҳалласида яшовчи фуқаро Қаландаров Қаландар Раҳимбаевичнинг мархум отаси Қаландаров Раҳимбойнинг Боғот тумани “Гулзор” маҳалласида жойлашган “Турар жой” биносига нисбатан эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисидаги қарорига тегишли ўзгартириш киритиб берилишини сўраб туман ҳокимлигига йўллаган 2020 йил 12 февралдаги ХО-Қ-464-сонли аризасини, Хоразм вилоят ер тузиш ва кўчмас мулк кадастр давлат корхонасининг Боғот туман филиалининг 2020 йил 2 мартдаги 993-сонли маълумотномасини кўриб чиқиб, Ўзбекистон Республикаси “Маҳаллий давлат ҳокимияти тўғрисида”ги қонуннинг 6, 25-моддаларига асосланиб,

### ҚАРОР ҚИЛАМАН:

1. Боғот тумани ҳокимининг 2014 йил 15 октябрдаги 1613к-сонли қарорининг биринчи бандига қуйидагича ўзгартиришлар киритилсин:

-Боғот тумани ҳокимининг Боғот тумани “Гулзор” маҳалласи худудида жойлашган жами жами хоналарнинг ички ўлчами 213,93 квадрат метр бўлган “Турар жой” биносига эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш тўғрисида”ги 2014 йил 15 октябрдаги 1613к-сонли қарорига “Боғот тумани “Гулзор” маҳалласи худудида жойлашган жами хоналарнинг ички ўлчами 231,93 квадрат метр “Турар жой” биносига нисбатан мархум Қаландаров Раҳимбойга эгалик ҳуқуқини белгилаб бериш деб ўзгартириш киритилсин.

2. Туман ҳокимлиги умумий бўлими (Х.Болтаев)га мазкур қарорнинг нусхаларини тегишли ташкилотларга ва мархум Қаландаров Раҳимбойнинг меросхўрларига етказилишини таъминлаш ҳамда ушбу қарор қабул қилиниши муносабати билан туман ҳокимининг 2014 йил октябрь ойида қабул қилинган қарорлар тўпламига белгиланган тартибда тегишли ўзгартириш киритиш вазифаси топширилсин.

3. Ушбу қарорнинг бажарилишини назорат қилиш туман ҳокимининг ўринбосари вазифасини бажарувчиси С.Хўжаниёзов зиммасига юклатилсин.

Боғот тумани ҳокими

О.Холбоев